

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗАЙНУТДИНОВА ДИЛАФРУЗ ЛАТИБОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА
ТРОМБОЦИТОПЕНИЯ ВА ТРОМБОЦИТОПАТИЯЛАР УЧРАШ
ЧАСТОТАСИ, ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Зайнутдинова Дилафруз Латибовна

Ҳомиладорликнинг турли босқичларида тромбоцитопения ва
тромбоцитопатиялар учраш частотаси, характеристикаси ва
уларни коррекция қилиш усуллари..... 3

Зайнутдинова Дилафруз Латибовна

Частота выявления тромбоцитопении и тромбоцитопатии
на разных сроках беременности, характеристика
и методы их коррекции..... 27

Zaynutdinova Dilafruz Latibovna

Frequency of detection of thrombocytopenia and thrombocytopathy
at different stages of pregnancy, characteristics and
methods of their correction..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗАЙНУТДИНОВА ДИЛАФРУЗ ЛАТИБОВНА

**ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ТУРЛИ БОСҚИЧЛАРИДА
ТРОМБОЦИТОПЕНИЯ ВА ТРОМБОЦИТОПАТИЯЛАР УЧРАШ
ЧАСТОТАСИ, ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯ
ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

14.00.29–Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2556 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаджанова Шайра Агзамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сулейманова Дилора Нагаловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Болтаев Камол Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Д. Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда гемостаз тизими касалликлари орасида тромбоцит патологиялари кенг тарқалган бўлиб ва бу 80% ҳолларда қон кетишларга олиб келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотлари шуни кўрсатадики, ер юзида қон кетиш сабабли оналар ўлими 27,1% ни ташкил этади. 2020 йилда Қўшма штатларда оналар ўлимининг умумий даражаси 100 000 тирик туғилган чақалоқларга 23,8 % ни ташкил этди¹. Тахминан 90% га яқин бурундан қон кетиш ҳолатлари гемостазнинг биринчи томир-тромбоцитар тизимининг бузилиши билан кечувчи тромбоцитопатия касаллиги билан оғриган беморларда кузатилади. Ҳомиладорлик даврида унга боғлиқ равишда юзага келадиган иммун тромбоцитопения ҳомиладорликдаги барча тромбоцитопения синдроми билан кечувчи ҳолатларнинг 70-80% ни ташкил этади. Тромбоцитопения ҳомиладор аёлларда ҳомиладор бўлмаганларга қараганда 4 марта кўп учрайди ва 11,6% га етади.

Жаҳонда тромбоцитопения ва тромбоцитопатия касалликларининг асоратларини ҳомиладорларда олдини олишда юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, геморрагик синдром клиник кўринишини асослаш, беморларда тромбоцитлар микдори ва функционал хусусиятларини ўрганишни талаб этади. Геморрагик синдром, акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш ҳамда салмоғини камайтириш мақсадида лаборатор ташхислаш ҳамда даволаш тизимини такомиллаштириш борасида даво ва диагностик алгоритмлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантири, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли соматик касалликларни тўғри мақсадга йўналтирилган даволаш ва олдини олиш чоратадбирларни ўтказишга қаратилган муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳомиладорликнинг турли босқичларида тромбоцитопения ва тромбоцитопатиялар учраш сони ва хусусиятларини баҳолаш ҳамда уларни мувофиқлаштириш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

¹ Raul Artal-Mittelmark MD, Saint Louis University School of Medicine 2022.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлоқо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 10-февралдаги ПҚ-5199-сонли «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш, шунингдек онкогематологик ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сонли «Ўзбекистон Республикасида аҳолига гематология ва онкологик хизматларни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сўнгги йилларда ҳомилдор аёлларда тромбоцитар патологияларни эрта ташхислаш кўп бўлишига қарамасдан, адабиётларда даволаш ва асоратларини олдини олишга бағишланган ишлар муҳокамаси давом этмоқда. Бу эса касалликни эрта аниқлаш мақсадида янада мукамал текширишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади. Тромбоцитопения ва тромбоцитопатия негизида табиий туғруқ ва жарроҳлик амалиётлари ўта хавfli ҳисобланади, амалиёт якунлангандан сўнг ҳам қон кетиб катта гематомалар пайдо бўлиш эҳтимоли юқори. Ушбу соҳадаги тадқиқотлар қуйидаги хориж олимлари томонидан ўрганилган: М.Ю. Соколова тромбоцитопения ҳомилдорлик даври ва ҳомиланинг ҳаётийлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътироф этади. Тромбоцитопения билан оғриган ҳомилдор аёлларда акушерлик асоратлари ўртача 2-3 баравар кўп: прееклампсия 37,5% да, ҳомила тушиш хавфи ва табиий аборт - 56,4% да, йўлдош етишмовчилиги - 43,5% да, меъёрида жойлашган йўлдошнинг муддатидан олдин ажралиши - 3,6% ҳолларда қайд этилган (Соколова М.Ю., 2004). Мысик О.Л. Санкт-Петербургда 249 нафар тромбоцитопения билан оғриган ҳомилдор аёлларни даволашда клиник патогенетик ёндашувларни ўрганиб, 28,5% да оёқ томирлари варикоз кенгайиши, 41% да табиий аборт, 39,8% да ҳомилдорликнинг асоратлари сабабли аборт қилиш, 30,2% да сурункали йўлдош етишмовчилиги, 11,6% да эрта туғилиш ва 10,8% да меъёрида жойлашган йўлдошнинг эрта ажралишини аниқлаган (Мысик О.Л., 2022).

Ғ.Ҳасанов ва ҳаммуаллифлар аниқлашларига кўра, янги туғилган чақалоқларнинг 89,5% ида тромбоцитлар сони меъёрида, 10,5% ида ўртача тромбоцитопения, 10,5% ида ҳомила ривожланишининг кечикиши ташхиси бор эди, геморрагик асоратлар ҳолатлари аниқланмаган. К. Webert ва

хаммуаллифлар (2003) неонатал тромбоцитопениянинг юқори кўрсаткичларини қайд этишган ва жумладан, иммун тромбоцитопения билан касалланган оналардан туғилган 92 та болаларнинг 25,2% ида тромбоцитлар сони $150 \times 10^9/\text{мл}$ дан ва 9% ида $50 \times 10^9/\text{мл}$ дан паст бўлган. Перинатал ўлимнинг иккита ҳолати қайд этилган, улардан бирида ўлим сабаби бош мия қоринчаларига қон қуйилиши оқибатида бўлган (F.Yassae 2012). Иммун тромбоцитопения бўлган оналардан янги туғилган чақалоқларнинг 8-13% ида оғир неонатал тромбоцитопения яъни тромбоцитлар сони $50 \times 10^9/\text{л}$ дан пасайганлиги ҳамда 2-9% ида бош мияга қон қуйилишлар кузатилган. М. Subbaiah неонатал тромбоцитопениянинг бундан ҳам юқори учраши ҳақидаги маълумотларни келтиради. Янги туғилган чақалоқларнинг 18,5 фоизида оғир тромбоцитопения ва уларнинг 3,8 фоизида (26 тадан 1) бош мияга қон қуйилишларни қайд этган (М. Subbaiah, 2014).

Ўзбекистонда сўнгги беш йилликда Маткаримова Д.С. томонидан иммун тромбоцитопениянинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганиш асосида, касалликларнинг ривожланиши ва клиник кечишини башоратлаш усуллари ишлаб чиқилган (Маткаримова Д.С., 2019). Сабирова Ш.Г. томонидан дизагрегацион тромбоцитопатиялар ривожланишида клиник-гемостазиологик хусусиятлар баҳоланган ва унинг генетик маркерлари аниқланган (Сабирова Ш.Г., 2019).

Бироқ ҳомиладорларда тромбоцитопения ва тромбоцитопатия патологияларининг аниқланиш сони, геморрагик синдромнинг хусусиятлари, клиник морфологияси ва лаборатор диагностикаси ҳамда даволаш мезонлари ретроспектив ва проспектив тарзда ўрганилмаган. Шу билан бирга, уларда тромбоцитлар билан боғлиқ касалликлар ва асоратларини ўрганиш (клиник ва лаборатор хусусиятлари) ҳамда туғруқ пайтида беморларни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Бинобарин шундай экан, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва яхшилаш муаммоси тиббиётнинг миллий аҳамиятга эга бўлган долзарб йўналишларидан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий–тадқиқот ишлари режасининг №01.1800233 «Қон тизими касалликларининг клиник биокимёвий ва молекуляр–биологик аспектлари. Донорлик муаммолари» (2018–2023 й) ҳамда №012300281 «Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларининг ечимини топиш» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорликнинг турли босқичларида тромбоцитопения ва тромбоцитопатиялар учраш сони ва хусусиятларини баҳолаш ҳамда уларни мувофиқлаштириш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладор аёлларда тромбоцитлар патологиясининг аниқланиш сонини ўрганиш;

аёлларда ҳомиладорликнинг турли триместрларида тромбоцитопения ва тромбоцитопатияларнинг сабаблари ва клиник кечишини ўрганиш;

ҳомиладорларда тромбоцит патологиясининг патогенетик механизмлари ривожланишида эндотелий маркерлари ахамиятини аниқлаш;

ҳомиладор аёлларда тромбоцитлар патологиясида ривожланган асоратларни ва репродуктив йўқотишларни баҳолаш;

ҳомиладор аёлларда тромбоцитлар патологиясини даволаш самарадорлигини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019 – 2023 – йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида даволаш учун қабул қилинган тромбоцитопения ва тромбоцитопатия билан хасталанган 480 нафар ҳомиладорлардан 450 нафари асосий гуруҳни, 30 нафар тромбоцит патологияси бўлмаган соғлом ҳомиладор аёллар назорат гуруҳи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тромбоцитопения ва тромбоцитопатия билан оғриган ҳомиладор аёлларни клиник-диагностик жихатларини ўрганиш ва даволашни ўзига хос имкониятларини такомиллаштиришда иштирок этган 108 нафар ҳомиладор аёллар ва уларнинг веноз қони, қон зардобси, суяк кўмиги намуналарининг натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга ошириш учун умумклиник, гематологик, гемостазиологик, морфологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

геморрагик синдром кузатилган ҳомиладорларда тромбоцит патологияларидан 54,4% тромбоцитопения, 45,6% тромбоцитопатия учраб, уларда иммун тромбоцитопения салмоғи юқори эканлиги аниқланган;

ҳомиладор аёлларда тромбоцитопения ва тромбоцитопатия ривожланиши эндотелин-1, фон Виллебранд омили ва sICAM-1 эндотелий маркерларининг дисфункцияси билан боғлиқлиги асосланган;

иммун тромбоцитопения билан оғриган ҳомиладорларда эндотелин-1 даражасини касаллик босқичларига мос равишда ташхисий ва башоратли ахамияти исботланган;

тромбоцит патологияли ҳомиладор аёлларда стандарт терапияга нисбатан комбинацияланган давони қўллаш натижасида тромбоцитлар сонининг ишончли ошганлиги, акушерлик ва перинатал асоратлар ишончли камайганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тромбоцитопения ва тромбоцитопатия билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг учраш сони, умумклиник, гематологик, морфологик, гемостазиологик, иммунологик ва акушерлик кўрсаткичлари ҳамда даволашни такомиллаштиришдаги ишлар баҳоланган;

тромбоцитопатия билан касалланган ҳомиладор аёллар тромбоцитларининг адгезия, агрегация ва ретракция кўрсаткичлари даводан олдин ва кейин баҳоланган;

тромбоцит патологияли ҳомиладор аёллар қон зардобадаги эндотелин-1, Фон Виллебранд омили ва sICAM-1 эндотелий маркерлари кўрсаткичлари баҳоланган;

тромбоцитопения ва тромбоцитопатияли ҳомиладор аёлларда касалликнинг оғирлик даражасига кўра даволаш самарадорлигини такомиллаштириш усули ишлаб чиқилган;

тромбоцитопения ва тромбоцитопатия билан касалланган ҳомиладор аёллар учун диагностика ва даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларининг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумклиник, гематологик, морфологик, гемостазиологик, иммунологик, акушерлик кўрсаткичлари ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тромбоцитопения ва тромбоцитопатия касаллиги мавжуд ҳомиладор аёлларнинг даволаш ва профилактикасининг клиник-диагностик жиҳатларини такомиллаштириш натижалари халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки тромбоцитопения ва тромбоцитопатияларнинг ҳомиладорларда ривожланиш механизмлари ва клиник кечишининг оғирлигига ҳар томонлама клиник, лаборатор ва иммунологик баҳоланиб, эндотелин-1, Фон Виллебранд омили ва sICAM-1 эндотелий маркерлари касалликнинг ривожланиш хавфи ва оғир кечиши ўртасида боғлиқликнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки тромбоцитопения ва тромбоцитопатия аниқланган ҳомиладорларга стандарт терапия фонида қўшимча равишда Икки уйли қичитқи (*Urtica Dioica L.*), Жағ-жағ (*Capsella Bursa Pastoris (L.) Medic*), Тоғ қалампири (*Poligonum Hydropiper L.*), Бўйимадорон (*Achillea Millefolium*) ҳамда Логоҳилиус (*Lagochilus inebrians*) ўсимликлардан тайёрланган гемостат препаратидан буюриш самарадорлиги исботланиб, бу эса ўз навбатида қон кетишларини камайтириш ва тромбоцит сонини ҳамда сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023-йил 23-ноябрдаги 11-23/189-т сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: геморрагик синдром кузатилган ҳомиладорларда тромбоцит патологияларидан 54,4% тромбоцитопения, 45,6% тромбоцитопатия учраб, уларда иммун тромбоцитопения салмоғи юқори эканлиги аниқланган; Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 02.02.2024-йилдаги 13и/ч-сонли буйруғи билан ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси 30.01.2024-йилдаги 35-сонли буйруғи билан амалиётга

тадбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023-йил 23 ноябрдаги 11-23/189-т сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда тромбоцит патологияларини эрта ташхислаш ва мақбул даволаш орқали самарадорлигини ошириш ҳамда геморрагик асоратларни олдини олиш, акушерлик ва перинатал натижалари кўрсаткичларини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ҳомиладор аёлларда тўғри ташхис қўйиш ва комбинацияланган даволаш усулини танлаш сарф қилиниши мумкин бўлган дори-дармон ва лаборатор текширув харажатларини камайтириши туфайли стационар шароитда сарфланадиган моддий харажатларини тежашга олиб келади. Ҳомиладор аёлларда тромбоцит патологияларида қон кетиш хусусиятларини ҳар томонлама таҳлил натижалари асосида касаллик оғирлиги баҳоланиб комбинацияланган муолажалар олиб бориш, геморрагик асоратланишини, тез ёрдамга мурожаат ҳамда касалхонага қайта ётишлар сонининг камайишига олиб келади. Агар битта беморга бир кун касалхонада даволаниш ўртача ҳисоблаганда 300 000 сўм бўлса, ўн кунга 3 000 000 сўмни, бир йилда 3 марта даволанса ушбу харажат 9 000 000 сўмни ташкил этади. Ўз вақтида олиб борилган ташхислаш ва даволаш ишлари ҳар бир бемор ҳисобига даволаш кунларини 10 кундан 7 кунга қисқариши ҳисобига 2 700 000 сўм тежаш имконини беради. Ушбу касалларда қон кетиш хусусиятларини аниқлаш ва комбинацияланган даволаш геморрагик асоратларни камайтириб, уларнинг ўртача умр давомийлигини ошириш имконини беради. Усулнинг самарадорлиги қуйидагича ҳисобланди: $Eвр = (D1 - D2) \times (Г + E) \times Н - 0.15 \times K$. Бунда D1- даволаш усули тадбиқ этилгунга қадар беморнинг ушбу ҳасталик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ўртача сони; D2- даволаш усули тадбиқ этилгандан сўнг беморнинг ушбу ҳасталик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик кунлари ўртача сони; Г – бир ишчининг кунлик даромади; E–меҳнатга лаёқатсизлик бўйича бериладиган мояна, сум/кун; Н – тадбиқ этилаётган янгилик масштаби (ушбу даволаш усулини йилига тадбиқ этилиши кутилаётган ёки тадбиқ этилган беморлар сони); 0.15 – самарадорлининг меёрий коэффициенти; K=0 сўм (қўшимча лаборатор-инструментал текширувларсиз). $Eвр = (10 - 7) \times (200\ 000 + 60\ 000) \times 108 - 0.15 \times 0 = 86\ 184\ 000$ сўмни тежаш имконини беради. Хулоса: олинган натижаларга кўра тромбоцитопения ва тромбоцитопатия аниқланган ҳомиладорларда қон кетишнинг хусусиятларини ўрганиш, айти туғруқ вақтида қон кетиш миқдорини баҳолаш, касаллик келтириб чиқарадиган оғир асоратларни олдини олиш йўли билан саломатлик индексини оширган. Таклиф этилган алгоритм ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш беморларда тромбоцитар гемостазни ташхислаш ва прогнозлаш сифатини яхшилаган, ушбу касаллик билан боғлиқ асоратлар камайишига олиб келган. Бу эса беморларнинг касалхонага қайта ётишлари сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтириш орқали иқтисодий самара беради.

иккинчи илмий янгилик: ҳомиладор аёлларда тромбоцитопения ва тромбоцитопатия ривожланиши эндотелин-1, фон Виллебранд омили ва sICAM-1 эндотелий маркерларининг дисфункцияси билан боғлиқлиги

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 02.02.2024-йилдаги 13и/ч-сонли ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси 30.01.2024-йилдаги 35-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023-йил 23 ноябрдаги 11-23/189-т сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: тромбоцит патологияси аниқланган ҳомиладор аёлларда эндотелин-1, фон Виллебранд омили ва sICAM-1 эндотелий маркерларини ўрганиш ва баҳолаш уларда аутоиммун ҳамда агрегацион бузилиш жараёнлари борлигини, эрта аниқлаш ва оғирлик даражаларини баҳолаш имконини яратади. Бу беморларда даволаш стратегиясини тўғри танлаш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда асоратларини олдини олиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: қон томир эндотелий дисфункцияси ва геморрагик асоратлар ривожланиши ўртасидаги ассоциатив боғлиқликни аниқлаш касалликни ташхислаш учун керак бўладиган ортиқча лаборатор ва асбобий текшириш усулларга эҳтиёжни камайтиради ва даволаш учун маблағларни тежаш имконини беради. Бу усул орқали бир бемордан ўртача 2 700 000 сўмни тежаш имконини беради. Хулоса: тромбоцитопения ва тромбоцитопатия аниқланган ҳомиладор аёлларда эндотелий дисфункциясини ўрганиш ва баҳолаш уларда аутоиммун ҳамда агрегацион бузилиш жараёнлари борлигини эрта аниқлаш имконини яратади. Унга асосланган ҳолда танланган самарали даво асосий касалликни авжланишини ва ногиронликни камайтириб беморларнинг ўртача умр давомийлигини оширади, касалхонага қайта ётишлари сонини ва кунини ҳамда даволаш учун кетадиган харажатларни камайтиради.

учинчи илмий янгилик: иммун тромбоцитопения билан оғриган ҳомиладорларда эндотелин-1 даражасини касаллик боскичларига мос равишда ташхисий ва башоратли аҳамияти исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 02.02.2024-йилдаги 13и/ч-сонли ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси 30.01.2024-йилдаги 35-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023-йил 23 ноябрдаги 11-23/189-т сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: тромбоцитопения билан оғриган ҳомиладорларда эндотелин-1 даражасини касаллик боскичларига мос равишда ташхисий ва башоратлаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: иммун тромбоцитопения билан касалланган ҳомиладорларга миелограмма кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида қизил суяк кўмиги пункцияси цитологик таҳлили амалга оширилган ва бу беморларнинг ўзига ҳамда ҳомиласига зиён етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Эндотелин-1 даражасини аниқлаш орқали ушбу амалиётни бажаришга эҳтиёж қолмайди. Ушбу патология билан касалланган бир нафар ҳомиладор аёл учун миелограммага 350 000 сўм сарф қилинса (108 нафар бемор учун 37 800 000), эндотелин-1 даражасини аниқлаш учун 150 000 сўм сарф қилинади (108 нафар бемор учун 16 200 000). Бунинг натижасида бюджет маблағларидан 21 600 000 кам сарфланишига имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: тромбоцит патологияли ҳомиладор аёлларда стандарт терапияга нисбатан комбинацияланган давони қўллаш натижасида тромбоцитлар сонининг ишончли ошганлиги, акушерлик ва перинатал асоратлар ишончли камайганлиги аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 02.02.2024-йилдаги 13и/ч-сонли ва Бухоро шаҳар туғруқ комплекси 30.01.2024-йилдаги 35-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган. Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2023-йил 23 ноябрдаги 11-23/189-т сон хулосаси. Ижтимоий самарадорлиги: тромбоцит патологияли ҳомиладор аёлларда комбинацияланган давони қўллаш натижасида тромбоцитлар сонининг ишончли ошган. Акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланишини олдини олган, ўлим ва ногиронликни камайтириб беморларнинг ўртача умр давомийлигини оширган. Иқтисодий самарадорлиги: тромбоцит патологияли ҳомиладор аёлларда комбинацияланган давони қўллаш натижасида ривожланиши мумкин бўлган акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқариши, даволаш учун кетадиган харажатлар миқдорини камайтириш имконини берган. Ушбу терапияни амалга оширишда нафақат она балки бола ҳаётини ҳам сақлаб қолиш орқали 2 баробар иқтисодий самарадорликка эришилган. Бунда бир нафар бемор ҳисобига даволаш кунларини 10 кундан 7 кунга қисқариши ҳисобига 2 700 000 сўм тежаш имконини берган. Хулоса: тромбоцитопения ва тромбоцитопатия билан касалланган ҳомиладор аёлларда стандарт терапияга икки уйли қичитқи, жағ-жағ, тоғ қалампири, бўйимодорон ва логоҳилиус ўсимликларидан тайёрланган гемостатик препарат билан комбинацияланган давони қўллаш натижасида ривожланиши мумкин бўлган акушерлик ва перинатал асоратларни олдини олиш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқартириш, жарроҳлик амалиётига кўрсатмаларни камайтириш, даволаш учун кетадиган харажатлар миқдорини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладор аёлларда тромбоцитар гемостаз патологияларининг замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ҳомиладор аёлларда тромбоцитар гемостаз патологияларининг тарқалиши ва таснифи, тромбоцитопения ва тромбоцитопатиянинг этиопатогенези, клиник кўриниши ва лаборатор диагностикаси, ҳомиладорлар тромбоцит патологиясида эндотелиал дисфункцияси маркерларининг ахамияти ёритилган. Шунга асосланиб, ҳомиладорларда тромбоцитопения ва тромбоцитопатияларнинг клиник лаборатор диагностика ва даволаш механизмларини ўрганиш жуда ҳам зарур ва долзарб бўлиб ҳисобланиши таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали бўлиб ҳисобланган беморларнинг клиник характеристикаси ёритилган, шунингдек, ушбу тадқиқот ишида қўлланилган лаборатор ва инструментал текширув усуллари тўғрисида маълумотлар тўлиқ келтириб ўтилган. Кузатув жараёнида 2019 – 2023 – йиллар давомида жами 4055 нафар ҳомиладор ўрганилди, улар орасидан 698 нафар (17,21%) ҳомиладорларда тромбоцит патологиялар аниқланди. Статистик текширувлар натижасида тромбоцит патологияси аниқланган 698 нафар ҳомиладорларнинг 54,44% (n=380) тромбоцитопения, 45,56% (n=318) тромбоцитопатия синдроми билан кечувчи патологиялар эканлиги маълум бўлди. Йиллар кесимида ҳар бир патологиянинг учраши чуқур ўрганилди. Тадқиқот схемаси 1–расмда келтирилган.



Тромбоцитар патологиялар ҳомиладорларда	2019-йил, 15,18%		2020-йил, 17,76%		2021-йил, 8,5%		2022-йил, 25,33%		2023-йил, 21,7%		Жами n=698 17,21%	
	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Ҳомиладорларда тромбозитопения	89	6,9	56	13,6	20	2,7	12	15,8	87	13	380	9,4
Ҳомиладорларда тромбозитопатия	108	8,3	17	4,1	52	6	83	10	58	8,7	316	7,8

1-расм. 2019-2023-йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси миқёсида ҳомиладорларда тромбозитопения ва тромбозитопатиялар учраш тақсимооти.

Беморларнинг ёши 18 ёшдан 47 ёшгача (ўртача 29,32±5,03) ни ташкил этди.

Тадқиқот усуллари клиник (анамнез йиғиш, кўрик), лаборатор (умумий қон таҳлили, гемостазиологик, морфологик, иммунологик текширувлар) ва натижаларга статистик ишлов бериш усулларини ўз ичига олган.

Клиник усуллар шикоятлар, анамнез ва беморни объектив кўригини ўз ичига олган. Умумий қон таҳлили кўрсаткичлари ҳолатини аниқлаш учун, гемоглабин даражасини аниқлаш, эритроцит, ранг кўрсаткичи, лейкоцит ва тромбозит миқдорини аниқлаш Mindray 5000 (Хитой) гематологик яримавтомат анализаторида Mindray (Хитой) реагентларини қўллаган ҳолда амалга оширилган. Гемостазиологик тадқиқотлар СОАХ 2 Biosystems (Испания) коагулометрида Human (Германия) реагентлари ёрдамида амалга оширилди. СОАХ 2 Biosystems коагулометри – invitro диагностика учун ярим автоматик коагулометрдир. Қурилма барча коагуляция таҳлиллар учун мўлжалланган. СОАХ 2 Biosystems ярим автоматик коагулометри протромбин вақтини, актив қисман тромбозитин вақтини, фибриноген концентрациясини аниқлаш учун мўлжалланган. Тромбозитлар агрегацияси БИОЛА АЛАТ-2 220LA агрегометри (Россия) ёрдамида ООО НПФ “Биола” (Россия) реагентларини қўллаган ҳолда аниқланди. Иммунофермент тадқиқотлар Mindray BA96A (Хитой) спектрофотометрида, Shanghai Coon Koon Biotech Co. Ltd (Хитой) реагентларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Иммунофермент текшириш усули эндотелиал дисфункция маркерларини аниқлашга қаратилган.

Тромбозит патологияли ҳомиладорларда даволашни мувофиқлаштириш усулларини такомиллаштириш мақсадида стандарт терапия фонидида кўшимча равишда Икки уйли қичитқи (*Urtica Dioica L.*), Жағ-жағ (*Capsella Bursa Pastoris (L.) Medic*), Тоғ қалампери (*Poligonum Hydropiper L.*), Бўйимадорон (*Achillea Millefolium*) ҳамда Логоҳилиус (*Lagochilus inebrians*) ўсимликлардан тайёрланган гемостатик препарат буюрилди.

Диссертациянинг «Ҳомиладор аёлларда тромбозит патологияси тарқалишининг ретроспектив таҳлили» деб номланган учинчи бобида ҳомиладор аёлларда тромбозит патологияларининг сони аниқланди.

Диссертациянинг олдига қўйилган вазифаларига мувофиқ равишда, ретроспектив маълумотлар 2019 – 2021 – йиллар Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг ҳомиладорлар патологияси, реанимацияси ва туғруқ бўлимларида стационар даволанган жами 2554 нафар ҳомиладор касаллик тарихи ўрганилди, улар орасидан 342 нафар ҳомиладорларда тромбоцит патологиялар аниқланди.

3 йил давомида ҳомиладорларда аниқланган жами 342 нафар тромбоцитар патологиялар 2 та катта гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. Биринчи гуруҳ $n=165$ (48,25%) – тромбоцитопения билан касалланган ҳомиладор аёлларни ташкил этди:

2. Иккинчи гуруҳ $n=177$ (51,75%) – тромбоцитопатия билан касалланган ҳомиладор аёлларни ташкил этди:

Ретроспектив тадқиқотда беморларнинг ёши 18 ёшдан 47 ёшгача бўлиб, ўртача ёши $29,32 \pm 5,03$, биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларининг 40% дан кўп қисмини 26 - 30 ёш оралиғидаги беморлар ташкил этди.

Таҳлилдаги ҳар иккала гуруҳ беморлари ҳомиладорлик сонига кўра ҳам уч гуруҳга: 1 – ҳомиладорлик, 2 – ҳомиладорлик ва $3 \leq$ ҳомиладорликларга ажратилди. Ҳомиладорлик сонига кўра 1 – ҳомиладорлик 34,5% (118/342), 2 – ҳомиладорлик 27,2% (93/342) ва $3 \leq$ ҳомиладорлик 38,3% (131/342) ни ташкил этди. Беморларда айна патология аниқланган вақтда ҳомиладорлик сони ҳар иккала гуруҳда 3 - ва ундан юқори ҳомиладорликда 39% ҳолатда аниқланди.

Бундан ташқари, ҳомиладорлик триместрларига кўра ҳам барча ҳомиладорлар уч гуруҳга бўлинди. Ҳомиладорлиги 1-12 - ҳафталик 2,63% ($n=9$), 12-24 ҳафталик 14% ($n=48$), 25 ҳафталик ва ундан юқори беморлар 83,33% ($n=285$) ни ташкил этди. Беморларнинг ҳомиладорлик босқичларига кўра тромбоцитар патологиялар 84% да 3-триместрида аниқланди. Бундан келиб чиқадики, тромбоцитар патологиялар ҳомиладорликнинг охириги триместрида авж олади.

Беморларда умумклиник лаборатор таҳлилларда тромбоцитлар, гемоглобин, эритроцит, лейкоцит ва ЭЧТ миқдори аниқланди ва тромбоцитопенияли беморларда тромбоцитлар сони нормага нисбатан ишончли кам бўлиб ($p < 0,001$), бу кўрсаткич тромбоцитопатияли касалларда нормадан фарқ қилмади.


Тромбоцитар патологиялар билан оғриган беморларда тромбоцитлар фаоллигининг ошиши билан тромбоцитлар функционал хусусиятларининг бузилиши кузатилади, бу тромбоцитларнинг адгезия хусусияти $12,08 \pm 1,1\%^{***}$ ва агрегация хусусиятининг САг $0,6 \pm 0,04^{***}$, 5 АДФ – ИАг $22 \pm 2,1^{***}$, 2,5 АДФ - ИАг $15 \pm 1,2^{***}$ ва МАгТ $12 \pm 1,0^{***}$ нормага нисбатан ишончли ўзгарганлиги аниқланди ($p < 0,001$).

Диссертациянинг **«Ҳомиладорликнинг турли босқичларида тромбоцит патологияларнинг патогенетик механизмлари, клиник ва функционал хусусиятларини ўрганиш»** деб номланган тўртинчи бобда тромбоцитар патологияли ҳомиладор аёлларнинг репродуктив функцияси ва ақушерлик тарихини ўрганилган.

2022 - 2023 – йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси ҳомиладорлар патологияси, реанимацияси ва туғруқ бўлимларида даволанган 1501 нафар ҳомиладор аёллардан 356 нафарида (23,72%) тромбоцитопения ва тромбоцитопатиялар аниқланди. Тасодифий танлаб олиш йўли билан 108 та ҳомиладор аёлларда чуқур текширишлар амалга оширилди. Даволаш бошланишидан олдин текширилаётган гуруҳлардаги клиник ва анамнестик маълумотларни баҳолаш учун таққослаш амалга оширилди. Тромбоцитар патологиялар ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш учун тадқиқотда иштирок этган барча ҳомиладор аёллар орасида учта гуруҳ аниқланди:

1. Асосий (биринчи) гуруҳ (n=60) – тромбоцитопенияли ҳомиладор аёллар;
2. Асосий (иккинчи) гуруҳ (n=48) – тромбоцитопатияли ҳомиладор аёллар;
3. Назорат (учинчи) гуруҳи (n=30) - тромбоцитлар сони ва функцияси нормал бўлган амалий соғлом ҳомиладор аёллар. Тадқиқотда барча беморлар ўз хоҳиши билан иштирок этишди.

108 нафар ҳомиладорларда аниқланган тромбоцитар патологиялар этиологик ўрганилди: ҳомиладорликдан олдин бўлган иммун тромбоцитопения, ҳомиладорлик даврида пайдо бўлган иммун тромбоцитопения, иккиламчи ёки симптоматик тромбоцитопения, постковид тромбоцитопения синдроми билан оғриган ҳомиладорлар; ҳомиладорликсиз ортирилган тромбоцитопатия, ҳомиладорлик даврида ривожланган тромбоцитопатия ва постковид тромбоцитопатияли ҳомиладорлар (2–расмга қаранг).



2–расм. Текширилган ҳомиладорларда тромбоцит патологияларининг этиологик турига кўра тақсимланиши

Қуйида келтирилган расмдан шу маълум бўладики, ҳомиладорликда тромбоцитопениянинг ривожланиши иккиламчи тромбоцитопенига нисбатан 1,8 баробар юқори. Бу эса табиийки ҳомиладорлик организмдаги гемостаз системасига таъсир кўрсатишини исботлайди.

Текширилган барча беморларининг ўртача ёши 1 - гуруҳда $27,83 \pm 0,77$ ни, 2 - гуруҳда $28,60 \pm 0,82$ ни ташкил этди. Текширилган барча аёлларнинг энг катта гуруҳи 18-25 ёш оралиғида бўлиб, 1 - гуруҳда 48,33% (n=29), 2 - гуруҳда 33,33% (n=16) ва назорат гуруҳида 43% (n=13) ни ташкил этди.

Тромбоцитар патологиялар билан касалланган ҳомиладор аёллар 1- ва 2-гуруҳларда тромбоцитар патологиялар ривожланиш даври билан таққосланган. Тромбоцитопения аниқланган ҳомиладорлик даври 1-гуруҳда 24,6 (21,3;27,9) ҳафта; тромбоцитопатия аниқланган ҳомиладорлик даври 2-гуруҳда 24,78 (21,3;28,25) ҳафта бўлиб, тадқиқотга кўшилиш вақтида ҳомиладорлик даври 1-гуруҳда 25,27 (22,3;28,24) ҳафта; 2-гуруҳда 25,82 (22,6; 29,05) ҳафта, назорат гуруҳида 24,9 (21,3;28,5) ҳафтани ташкил этади.

Бундан ташқари беморлар ёндош соматик патологиялар мавжудлиги бўйича ҳам текширилди. Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида ушбу параметрлар бўйича статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланди. Ёндош соматик патология маълумотларининг батафсил қиёсий таҳлили 1 - жадвалда келтирилган.

1–жадвал

Текширилган беморларда ёндош соматик патологияларининг тузилиши (M±m)

Текширилган параметрлар	Асосий гуруҳ, N=108				Назорат кўрсаткичи, n=30	
	1-гуруҳ, n=60		2-гуруҳ, n=48		Abs.	%
	Abs.	%	Abs.	%		
Ҳомиладорлик анемияси	53	88,3**	42	87,5**	17	56,6
Анамнезида COVID – 19 билан касалланиш	13	22**	12	25**	3	10
Ўткир вирусли инфекциялар (ОРВИ)	18	30***	11	22,9***	2	6,6
Гепатит ва жигар циррози	7	11,67***	2	4,2***	-	-
Гестацион қандли диабет	1	1,7*	5	10,42**	-	-
Ревматоид артрит	2	3,33*	2	4,2*	-	-
Тизимли қизил волчанка	1	1,7*	1	2*	-	-

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (*-p<0,05; **-p<0,01; ***- p<0,001)

Назорат гуруҳида табиий туғилиш частотаси асосий гуруҳлардан сезиларли даражада юқори эканлигини кўриш мумкин. Асосий 1-гуруҳда 68,33% (41/60 аёл), 2-гуруҳда 75% (36/48 аёл) ва назорат гуруҳида 100% (30/30 аёл). Маълумотлар 2 - жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Туғруқ усуллари бўйича таққослаш, (M±m)

Туғруқ усули	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи	
	1-гуруҳ (n=60)		2-гуруҳ (n=48)		Абс	%
	Абс.	%	Абс.	%		
Табиий туғруқ йўллари орқали	41	68,33***	36	75***	30	100
Кесар кесиш амалиёти	11	18,33***	8	16,67***	-	-

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқ ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***- P<0,001)

2-жадвалда кўрсатилганидек, Кесар кесиш билан туғилиш даражаси асосий гуруҳда текширилган аёллар ва назорат гуруҳига қараганда статистик жиҳатдан юқори бўлган. Бу тромбоцитар патологияли ҳомиладор аёллар гуруҳида жарроҳлик аралашувларнинг юқори частотасини кўрсатади.

Туғруқ вақтида қон йўқотиш ҳажмини таҳлил қилишда 1-гуруҳда ўртача қон йўқотиш - 605,13±18,37 мл, 2-гуруҳда – 647,67±46,49 мл, назорат гуруҳида – 278,3±11,07мл бўлганлиги қайд этилди (3 – жадвалга қаранг).

3-жадвал


Ўрганилган гуруҳларда қон йўқотиш ҳажми, (M±m)

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ, n =108		Назорат гуруҳи, n=30	p, Студент критерияси бўйича
	1-гуруҳ, n=60	2-гуруҳ, n=48		
Туғруқ вақтида йўқотилган қон ҳажми, мл	605,13±18,37	647,67±46,49	278,3±11,07	p1,3<0,001 p2,3<0,001

3 – жадвалдан кўриниб турибдики, назорат гуруҳида ўртача қон йўқотиш миқдори 278,3±11,07 мл ни ташкил этди. Ўрганилган гуруҳларда қон йўқотиш ҳажмини асосий гуруҳлар ва назорат гуруҳи ўртасида статистик жиҳатдан муҳим ишончли фарқлар қайд этилди.

Дастлабки босқичда асосий гуруҳдаги тромбоцитопенияси бор ҳомиладор аёллар ва назорат гуруҳида бўлган ҳомиладор аёлларда геморрагик, гематологик ва гемостазиологик кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинди.

Проспектив текширилган беморларнинг геморрагиялар характеристикаси ўрганилганда 108 нафардан 97,22% да (n=105) да қон кетишлар кузатилди, 2,78% (n=3) ҳолатда тромбоцитар патология фонида беморларда қон кетишлар кузатилмади. Ҳар бир геморрагик кўрсаткич тромбоцит патологияли ҳомиладорларда ва назорат гуруҳида ўрганилди (3–расмга қаранг).



3–рasm. Текширилган ҳомиладорларда геморрагик кўрсаткичлар

1-гуруҳ геморрагиялар хусусияти ўрганилганда энг юқори кўрсаткичлар терига геморрагик тошмалар 52% ва бачадондан қон кетиш 47% аниқланди. 2 - гуруҳ геморрагиялар характеристикаси ўрганилганда энг юқори кўрсаткичлар бурундан қон кетиш 60% ва бачадондан қон кетиш 59% беморларда аниқланди. Назорат гуруҳи яъни соғлом ҳомиладорнинг 30 нафаридан 1 нафариди (3,3%) бурундан қон кетиш аниқланди, аммо милк қонаши, терига қўқаришлар ҳамда бачадондан қон кетиш кузатилмади ($p < 0,001$).

Беморларининг умумий гуруҳида умумклиник лаборатор таҳлилларида тромбоцитлар сони, гемоглобин, эритроцит, лейкоцит, ЭЧТ, гематокрит, фибриноген, ҚАТВ, MNO ва ТВ миқдори ўрганилди ва натижаларга кўра қуйидаги ўзгаришлар аниқланди (4–жадвалга қаранг).

4–жадвал

Тромбоцит патологияли асосий гуруҳда умумий қон таҳлили ва коагулограмма кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш, (M±m)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=30)	Асосий 1-гуруҳ (n=60)	Асосий 2-гуруҳ (n=48)
PLT ($\times 10^9$ /л)	226,1±5,18	97,75±5,6**	222,73±7,68
Нв, г/л	113,72±0,97	88,03±2,28*	87,6±1,94*
RBC ($\times 10^{12}$ /л)	3,38±0,06	2,96±0,09	3,14±0,06
WBC ($\times 10^9$ /л)	8,34±0,21	6,36±0,32	7,54±0,41
ЭЧТ, мм/соат	18,1±0,99	22,75±1,74	15,31±1,7
